



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ҒАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 236 (17.220).

14 октябрь 1978 йил, шанба

Баҳоси 2 тийин.

**МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ БАЙ-
РОҒИ ОСТИДА, КОММУНИС-
ТИК ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА—
КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИДА
ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР САРИ, ОЛҒА!**

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ 61 ЙИЛЛИГИГА ЧАКРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 61 йиллиги!

2. Яшасин XX асрнинг асосий воқеаси, инсониятнинг капитализмдан социализмга жаҳоншумул тарихий бурилишини бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революцияси!

3. Яшасин барча мамлакатлар меҳнаткашларининг империализмга қарши, социализм ва коммунизм ғалабаси учун курашдаги қудратли ғоявий қуроли — марксизм-ленинизм!

4. Яшасин музаффар Октябрь революциясининг илҳомчиси ва ташкилотчиси, совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи — ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин партия билан халқнинг буюк бузилмас бирлиги!

5. Октябрь революциясининг йўлбошчиси, Коммунистик партия ҳамда жаҳонда биринчи социалистик давлат бунёдкори ва раҳбари — Владимир Ильич Лениннинг номи ва иши асрлар оша яшайверсин!

6. Коммунизм бинокори, бутун дунёда тинчлик учун изчил курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

7. Яшасин коммунизм қурилишидаги етакчи куч — Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи!

8. Яшасин коммунизмнинг актив бинокори — шонли колхозчи деҳқонлар!

9. Яшасин коммунизмнинг актив бинокори — совет халқ зиёлилари!

10. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи! Совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги мустаҳкамланаверсин!

11. Яшасин социалистик Ватанимиздаги барча миллат ва эллатларнинг қардошларча дўстлиги ҳамда енгилмас бирлиги!

12. Яшасин жаҳонда биринчи умумхалқ социалистик давлатининг Асосий Қонуни — Совет Конституцияси!

13. Яшасин халқ депутатлари Советлари! Давлат ва жамият ишларини бошқаришда ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг иштироки кенгайверсин!

14. Яшасин чинакам халқ ҳокимиятини ва социал адолатни таъминловчи социалистик демократия!

15. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашингиз, ривожланган социализм имкониятларини тўла-тўкис рўйга чиқаришга интилингиз!

16. Коммунистлар! КПСС XXV съезди қарорларини бажариш учун, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун олиб борилаётган умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

17. Совет касаба союzlари! Социалистик мусобақани ва меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини кенг авдирингиз!

Яшасин бошқариш мактаби, ҳўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби — совет касаба союzlари!

18. Йигит ва қизлар! Билимларни кўп билан эгаллангиз, юксак ғоявийликни ўзингизга сингирингиз! Ленинчасига, коммунистчасига яшаш, ишлаш ва курашишни эгаллангиз!

19. Яшасин Коммунистик партиянинг ишончли ёрдამчиси ва жанговар резерви, коммунизм ёш бинокорларининг илгор отряди — Ленин комсомоди!

20. Яшасин оташин ватанпарварлар, коммунизмнинг актив бинокорлари бўлган совет хотин-қизлари! Ўзининг қалб қўрини социалистик Ватанинги муносиб граждонлари бўладиган болаларни тарбиялашга сарфлаётган оналарга шон-шарафлар!

21. Совет жангчилари! Ўзингизнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлигингизни тинимсиз тақомиллаштирингиз, Ватани, социализм улуғ ғалабаларини ҳимоя қилишга доим шай бўлингиз!

Яшасин совет халқи тинч меҳнатининг ишончли посбони, ялпи тинчлик таянчи — СССРнинг шавкатли Қуроли Кучлари!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! 1978 йил ланини тўла ва ошириб бажариш учун курашингиз!

Энг юксак меҳнат унумдорлигига, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатига сабот билан эришингиз!

23. Учинчи беш йиллик ланини муддатидан илгари бажариш учун, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун ўтказилаётган социалистик мусобақа байроқдорлари — ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторларига шон-шарафлар!

24. Саноат ходимлари! Ватанимизнинг индустриал қудратини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун курашингиз! Ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга туширингиз ва улардан самарали фойдаланингиз!

Янги техникага, прогрессив технология ва илгор тажрибага кенг йўл!

25. Саноат ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, сифатини ва турларини яхшилаб! Совет кишиларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондирингиз!

26. Қурилиш ходимлари! Ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ўз вақтида ишга туширишга сабот билан ҳаракат қилингиз! Сўз, тежамли, замонавий техника асосида қурилингиз!

27. Транспорт ва алоқа ходимлари! Халқ ҳўжалигига хизмат қилишни ҳар томонлама яхшилаб, транспортдан самарали фойдаланингиз, совет кишиларининг эҳтиёжларини тўлароқ қондирингиз!

28. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга ошириш учун, кишлоқ ҳўжалигини ҳар томонлама ва узулсиз ривожлантириш учун курашингиз! Уни механизациялаш ва химиялаш, ерларни мелiorациялаш сўрашларини тезлаштирингиз, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни ривожлантирингиз!

29. Кишлоқ ҳўжалиги ходимлари! Кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширингиз! Ер, техника, ўғитлардан, барча моддий ресурслардан яхшироқ фойдаланингиз, ҳар бир сум, маблагдан энг кўп самара олинишига интилингиз!

Чорва қишлоқини муваффақиятли ўтказиш учун курашингиз, келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратингиз!

30. Фидокорона меҳнат қилиб, дон, гўшт ва кишлоқ ҳўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан олдинги социалистик мажбуриятларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажарилишини таъминлаётган кишлоқ меҳнатчиларига шон-шарафлар!

31. Кишлоқ ҳўжалиги, тайёрлаш, транспорт, қайта ишлаш, савдо корхоналари ва ташкилотлари ходимлари! Дала ва фермалар маҳсулотининг ҳар бир килограмми сақлаб қолиниши ва халқ бахт-саодати йўлида ишлатилишига сабот билан интилингиз!

32. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ва уй-жой коммунал ҳўжалик ходимлари! Совет кишиларига хизмат қилиш маданиятини юксалтириш учун курашингиз!

33. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир иш участкасида уюшқоқликни ошириш, тартиб ва иттизомни мустаҳкамлаш учун активроқ курашингиз! Хом ашё, ёқилғи, электр энергия, металл ва бошқа материалларни тежашга эришингиз!

34. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Социалистик мулкни мукаддас билиб, авайлаб асрангиз ва кўпайтирингиз! Ватанимизнинг табиий бойликларида оқилона фойдаланингиз!

35. Халқ ҳўжалиги ходимлари! Ўз профессионал маҳоратингизни кўп билан оширингиз, иқтисодий билимларни, ҳўжалик юритиш ва бошқаришнинг замонавий методларини эгаллангиз!

36. Халқ ҳўжалиги мутахассислари! Рационалаторлар ва ихтирочилар! Ишлаб чиқариш резервлари-

дан тўлароқ фойдаланиш учун, фан-техника тараққийлатини жадаллаштириш учун активроқ курашингиз!

37. Совет олимлари! Илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини оширингиз, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлангиз!

Совет фанига шон-шарафлар!

38. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Совет санъатининг партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини баланд кўтариб бориш, улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратингиз!

39. Халқ маорифи ходимлари! Таълим самарадорлиги ва сифатини оширингиз! Ёш авлодни коммунизм, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализм, ўқишга ва меҳнатга онгли муносабат руҳида тарбиялангиз!

40. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Аҳолига медицина хизмати сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширингиз! Медицина фанининг энг янги ютуқларини амалга оширишга активроқ жорий этингиз!

41. Физкультура ва спорт ходимлари, эркак ва аёл спортчилар! Жисмоний тарбияни совет кишиларининг кундалик ҳаётига активроқ жорий этингиз. 80-йилги Москва Олимпиадасига тайёргарликни кенг авдирингиз!

42. Революция, уруш ва меҳнат ветеранлари! Ёшларнинг мураббийлари! Ёш авлодни совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда актив қатнашингиз!

43. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Совет Ватанини астойдил севингиз, билимларни ва меҳнат кўникмаларини кўп билан эгаллангиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрлангиз!

44. Империализмга қарши, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун матонатли курашчилар — Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик салом!

Бутун дунё коммунистларининг марксизм-ленинизм, пролетар интернационализи метин негизидagi бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

45. Яшасин халқаро ишчилар синфининг сингалган ва қудратли қуроли — пролетар интернационализи!

46. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

47. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик салом! Империализмга қарши курашининг ҳал қилувчи кучи, тинчлик, демократия ва социал тараққийёт таянчи — жаҳон социализм системаси ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

48. Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг Коммунистик партиялари ва халқлари бирлиги ҳамда жипслиги!

49. Ўз миллий суверенитетини, территориал бутунлигини, озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қиладиган қаҳрамон Вьетнам халқига қардошлик салом!

Шарқи-Жанубий Осиёда тинчлик ва социализм кучларининг муҳим калъаси — Вьетнам Социалистик Республикаси мустаҳкамлансин ва равақ топаверсин!

50. Мард Лаос халқига қардошлик салом! Социалистик жамият қуриш йўлига кирган Лаос Халқ Демократик Республикаси мустаҳкамлансин ва равақ топаверсин!

51. Капиталистик мамлакатларнинг эксплуатацияга, монополиялар зўравонлигига қарши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун, тинчлик, демократия ва социализм учун фидокор курашчи ишчилар синфига қардошлик салом!

52. Мустамақкачилик зулмидан халос бўлишга эришиб, миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва социал тараққийёт учун мардона кураш олиб бораётган халқларга қардошлик салом!

53. Империализмга, ирқчиликка ва янги мустамақкачиликка қарши, озодлик, миллий мустақиллик ва социал тараққийёт учун курашаётган Африка халқларига оташин салом!

Жаҳон халқлари! Зимбабве, Намибия, Жанубий Африка халқларининг ирқчи режимларни батамом тугатиш йўлидаги курашига мададкорликни кучайтирингиз!

54. Империалистик монополияларнинг зулмига қарши, реакция ва фашизмга қарши, ўз мамлакатларининг эркин, мустақил, демократик ривожланиши учун мардона курашаётган Латин Америкаси халқларига оташин салом!

55. Ҳозирги замоннинг уч асосий революцион кучи — жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатининг қудратли енгилмас иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

56. Халқлар озодлиги, демократия ва социализм учун мард курашчилар — турмаларда ва фашистик зиндонларда азоб чекаётган кишиларга қардошлик салом!

Империализм ва реакция тутқунларига озодлик!

57. Фашистлар реакциясига қарши мардона курашаётган Чили ишчилар синфига, барча меҳнаткашлари ва демократларига қардошлик салом!

Жаҳон халқлари! Чили ватанпарварлари билан бирдамликни мустаҳкамлангиз!

Фашист хунтасининг тутқунларига озодлик!

58. Жаҳон халқлари! Исроил агрессияси оқибатларини батамом тугатиш учун, Якин Шарқдаги барча давлатлар ва халқларга одилона, мустахкам тинчлик ўрнатиш учун, империалистларнинг араб мамлакатлари ички ишларига аралашувига қарши курашдаги куч-ғайратингизни оширингиз!

Совет Иттифоқи ва араб мамлакатлари халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик мустаҳкамлансин ва ривожланаверсин!

59. Европа мамлакатларининг халқлари! Умумевропа Кенгаши Янчиларнинг тўла-тўкис амалга оширилишига, Европани тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик ва социал-тараққийёт китъасига айлантиришга сабот билан эришаверингиз!

60. Осиё мамлакатларининг халқлари! Осиёда тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатлари учун, хавфсизликни таъминлаш учун курашингиз!

61. Жаҳон халқлари! Янги жаҳон уруши хавфини йўқотиш учун, халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш учун курашни кучайтирингиз! Тинчлик ва халқлар хавфсизлигининг душманлари бўлган реакция ва агрессия, милитаризм ва реваншизм кучларининг кирдикорларини фаш қилингиз!

62. Жаҳон халқлари! Куч ишлатмаслик халқаро муносабатларда қонун бўлиб қолишига, ядро қуроли эса абадий тақиқланишига эришаверингиз! Тинчлик учун хатарли бўлган қуролашни поғбасини тўхта-тиш учун, қуролсизланишга ўтиш учун активроқ курашаверингиз!

63. Жаҳон халқлари! Ялпи қирғин қуролининг янги турлари ва системаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқариш тақиқланишини талаб қилингиз! Нейтрон бомба ишлаб чиқариш режаларига қатъият билан қарши чиқингиз!

64. Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати!

Тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун булдан бўйғи курашининг КПСС XXV съезди ишлаб чиққан программаси тўла-тўкис амалга оширилаверсин!

65. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи!

66. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунизм қурилишида янги ғалабалар сари олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Арманистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Арманистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиумига, Арманистон ССР Министрлар Советига

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Арманистон ССР ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини шонли сано — Арманистон Россия составига кирган кўннинг 150 йиллиги ва республика Ленин ордени билан мукофотланганлиги муносабати билан самимий табриқлайдилар. Бу катта байрамни арман халқи билан биргаликда буюк социалистик Ватанимизнинг барча қардош халқлари ҳам иштирокчилар.

Шарҳий. Арманистоннинг Россия билан қўшилиши зўр прогрессив аҳамиятга эга тарихий иш бўлди. Шу тўғриси арман халқи чет эллик

идеяларнинг таънаси учун қаҳрамонона курашининг шонли йўлини босиб ўтдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси арман халқига иқтисодий ҳаётнинг ҳама соҳаларида жадал бўлиб келди. Улуғ Ватан урушининг доҳшатли йилларида барча совет кишилари каторчи Арманистоннинг ўғил-қизлари ҳам Ватаниннинг озодлиги, шон-шараф ва мустақиллиги учун мардона жанг қилдилар, дунёни фашизм, асоратидан сақлаб қолган халқимизнинг қаҳрамонона соломасига кўпгина эркин саҳифалар битдилар.

Тарихий шундан кейинги ҳамма босқичларида — Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун курашда, жон ва халқаро реакция кучларига қарши шиддатли жангларда, социалистик экономика ва маданиятнинг зўр эътиҳамда ривожлантиришда ар-

[Давоми кийинчи бетда.]



Республика областларида пахта тайёрлашининг бориши тўғрисида шу йил 13 октябрга бўлган

МА Ё Л У М О Т				
Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда маҳнадда терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида).				
Бухоро	1,26	82,97	1,68	75,71
Наманган	1,40	79,29	1,93	76,76
Фарғона	1,19	77,50	1,52	62,92
Андижон	1,22	74,09	1,60	76,00
Қашқадарё	2,06	72,98	2,09	59,58
Сурхондарё	1,60	68,87	1,66	66,20
Тошкент	1,80	64,07	2,02	59,69
Ўзбекистон	2,73	56,25	3,17	63,85
Самарқанд	2,28	46,39	2,63	43,43
Сирдарё	2,67	43,53	2,91	47,21
Хоразм	1,76	34,59	1,58	21,24
ҚАССР	1,66	23,93	1,72	14,37
Республика бўйича	1,73	62,32	2,04	56,55
Шу жумладан илгичка толали пахта				
Бухоро	1,58	65,03		
Наманган	2,16	64,66		
Сурхондарё	1,85	44,49		
Қашқадарё	2,20	37,29		
Республика бўйича	1,94	47,35		

ДУСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

КПСС Марказий Комитети Сийёй бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико (депутация бошлаган) КПСС Марказий Комитети Сийёй бюроси аъзоллигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Поводов, КПСС Марказий Комитети секретари К. В. Русаковдан иборат составдаги КПСС делегацияси РКП Марказий Комитетининг тақлифига билинган, 13 октябр кунин дўстона визит билан Бухарестга жўнаб кетди. КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг РСР-даги элчиси В. И. Дрозденко ҳам делегация составига кирди. (ТАСС)

ОСИЕ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЕЗУВЧИЛАРИ ТАШКИЛОТИ ИЖРОЯ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

Тошкентда 13 октябр кунин Осиё ва Африка мамлакатлари езувчилари ташкилотининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда ташкилотнинг иши ва унинг китъа езувчиларининг олтинчи конференциясига тайёр-гарлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда. Ташкилот бош секретари вазифасини ижро этувчи, жанубий африкалик таниқли езувчи Алекс Ла Гума ижроия комитет ишига раҳбарлик қилмоқда. (ЎзТАГ)

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети 4 ноябрь шанба дам олиш кунини 1978 йил 6 ноябрь

душанба кунига ўзгариштиришга қарор қилди.

Шофирконнинг 60 минг тоннаси учун

ҳоқолаарини мустақамлаш,
аҳоли соғлиғини сағлашда,
ишлаб чиқаришда келиб чиқа-
диган масалаларлар ва шаро-
қатларнинг олдини олишда
мамолатчиларнинг иштироки
формаларини тақомиллашти-
риш масалалари ёритилмоқда.

